

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАДАЖОНОВ ОЙБЕК ЗОКИРЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС МАЪРИФАТЧИЛИК ДРАМАТУРГИЯСИДА**  
**ЗАМОН ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

УЎК: 821.512.133.09-2

821.112.2.09-02

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Дадажонов Ойбек Зокиржонович**

Ўзбек ва немис маърифатчилик драматургиясида замон ва бадиий  
талқин.....3

**Дадажонов Ойбек Зокиржонович**

Время и художественное толкование в узбекской и немецкой  
просветительской драматургии.....27

**Dadajonov Oybek Zokirjonovich**

Time and artistic interpretation in Uzbek and German Enlightenment  
dramaturgy.....53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....57

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.FIL.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАДАЖОНОВ ОЙБЕК ЗОКИРЖОНОВИЧ**

**ЎЗБЕК ВА НЕМИС МАЪРИФАТЧИЛИК ДРАМАТУРГИЯСИДА**  
**ЗАМОН ВА БАДИИЙ ТАЛҚИН**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD//Fil669 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Фарғона давлат университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) веб-саҳифанинг [www.adu.uz](http://www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Касимов Абдугапир Абдиқаримович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Қобилова Зебо Бакировна**  
филология фанлари доктори, доцент

**Маҳмудов Алишер Йўлдошев**  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Наманган давлат университети**

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.fii.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил:170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел.: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30; e-mail: [agsu\\_info@edu.uz](mailto:agsu_info@edu.uz))

Диссертация билан Андижон давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100 Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129 уй. Тел.: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ш.Х.Шаҳобитдинова**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
раиси, ф.ф.д., профессор

**Ф.Ф.Усманов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, ф.ф.ф.д.

**М.Э.Умарходжаев**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси,  
ф.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида Шарқ ва Ғарб адабиёти намуналарини қиёсий методлар асосида концептуал ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Ўз навбатида турли минтақа ва турли адабий муҳитда муайян бадиий тамойиллар асосида яратилган драмаларни типологик ўрганиш уларнинг миллий-маданий хусусиятларини ижодкорлар маҳорати доирасида тадқиқ этишга ёрдам беради. Шу боис турли асарларда илгари сурилган мавзу, концептуал ғояларнинг бадиий ифодасига хос муштарак ва фарқли жиҳатларига баҳо бериш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида турли халқлар адабиётини қиёсий ўрганиш орқали ўзига хослик, муштараклик, миллийлик замиридаги умуминсоний қадриятлар тадқиқига муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу ўринда ўзга халқ адабиёти намояндаларининг асарларини қиёсий ўрганиш, хусусан, ўзбек ва немис маърифатчилик драматургиясида замон ва бадиий талқин муаммосини қиёсий аспектда тадқиқ этиш алоҳида илмий-назарий аҳамият касб этади. Изланишлар натижасида халқларнинг миллий маданияти, анъаналари, урф-одатлари, дунёқарashi, ҳаётни англаш фалсафаси орқали ижодкорнинг бадиий тафаккурига кириб борилади.

Мамлакатимизда илмий тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратишга алоҳида эътибор қаратилиши ўзбек ва хорижий тилларда яратилган бадиий асарларни қиёсий-чоғиштира аспектда тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқармоқда. Шу боис ўзбек ва немис адабиёти қиёси бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган бўлса-да, ўзбек ва немис маърифатчилик драматургиясида замон ва бадиий талқин муаммосини замон ва қаҳрамон характери ҳамда нутқ ва услуб муносабатлари нуқтаи назаридан ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалаларидан саналади. Чунки “ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётни халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилиш, кўпқиррали бу мавзунини бугунги кунда дунё адабий маконида юз бераётган энг муҳим жараёнлар билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил этиб, зарур илмий-амалий хулосалар чиқариш, келгуси вазифаларимизни белгилаб олиш катта аҳамиятга эга”<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-4794-сонли фармони, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2017 йил 17 февралдаги “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – Б. 339.

чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2789-сонли қарори, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3775-сон қарори, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5847-сон фармони, 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ва яна бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифалар ижросида ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари тараққиётининг «1. Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Рус ва жаҳон адабиётшунослигида XVIII аср немис драматургияси, хусусан, Лессинг ижоди бўйича П.Виесауер, К.Аними, Г.К.Акежу, З.М.Муслим, Жунг Квон Лее, Б.Бернд, П.Раббе, В.А.Пронин, А.Аникст, Д.В.Портнягин, И.В.Климова, А.В.Ерохин, М.М.Константиновна, Ф.В.Игоревна, П.З.Евгеньевна<sup>2</sup> сингари олимлар илмий изланишлар олиб борган.

Ўзбек адабиётшунослигида У.Саидов, С.Жабборов, Ш.Давронова, М.Холбеков, У.Сотимов, У.Нурматов, Ф.Сулаймонова, А.Қосимов, С.Мелиев, Р.Абдуллаева, Ф.Жўраева, М.Умарова, Х.Джалилова<sup>3</sup> томонидан

---

<sup>2</sup> Wiesauer P. „Lessings Übersetzung der „Prüfung der Köpfe zu den Wissenschaften“ des Juan Huarte und die „Hamburgische Dramaturgie“ – Eine Spurensuche“ – Wien, 2013; Animi K. Fremdverstehen und Toleranz Interdisziplinäre und interkulturelle Perspektiven. – Bayreuth, 2013; G.K.Akeju. Zur Differenzierung des Toleranzbegriffs am Beispiel von Chimamanda Adichies A Private Experience und Gotthold Ephraim Lessings Nathan der Weise. – Nairobi, 2016; Z.M.Muslim. Lessing und der Islam. – Berlin, 2010. – S. 106; Jung Kwon Lee. Geschlechterdifferenz und Mutterschaft im bürgerlichen Trauerspiel von Lessing bis Hebbel. – Seoul Korea. 2012; Bernd B: Glauben und Erkennen-Studie zur Religionsphilosophische Lessing. – Meisenheim am Glan, 1972. – S. 80; Rabbe P: Das Lessinghaus in Wolfenbüttel. Ein Literaturmuseum für einen deutschen Schriftsteller des 18. Jahrhunderts. Wolfenbüttel, 1978. – S. 26; В.А. Пронин. История немецкой литературы. – Москва, 2007. – С.106; А. Аникст. Теория драмы от Аристотелям до Лессинга. – Москва, 1967. – С. 349; Д.В. Портнягин. Художественная проза Фридриха Шиллера. Монография. – Курган, 2012. – С. 25; И.В.Климова. Немецкий драматический Театр XVIII. – Москва, 2019. – С. 67; А.В.Ерохин. Драматургия веимарской классики, 1786-1805 гг.: автореф. дис. доктора фил. наук: 10.01.05 / А. В. Ерохин. – М.: МГУ, 1999-43; М.М.Константиновна. Жанровые Доминанты Немецкой Драматургии 30-70 гг. XIX Века В Философско-Эстетическом Контексте Эпохи. автореф. дис.... на соискание учёной степени наук. – Нижний Новгород. 2019; Ф.В.Игоревна. Бюргерские трагедии Г.Э.Лессинга и сценическое искусство XVIII века в Германии и России. автореф. дис.... на соискание учёной степени кандидата искусствоведения. – Санкт-Петербург 2005; П.З.Евгеньевна. Иррациональное в эстетике и драматургии Г.Э.Лессинга. автореф. дис.... на соискание учёной степени кандидата филологических наук. – Самара, 2009;

<sup>3</sup> Саидов У. Миллий Уйғониш даври ўзбек адабиётида комил инсон масаласи. (Ғарбий Европа маърифатчилиги адабиёти билан қиёсий ўрганиш тажрибасидан) Фил.фан.н. дисс. – Тошкент, 2002; Жабборов С. Гётенинг “Ғарбу шарқ девони” матн, талқин, таржима: Фил.ф.н. дисс. – Тошкент, 1995; Давронова Ш. Истиклол даври ўзбек романларида Шарқ ва Ғарб аънаналарининг бадий синтези. Фил.ф.док. (DSc)...дисс. – Тошкент, 1995; Холбеков М. Узбекско-французские литературные связи (в аспектах перевода, критики и восприятия): Докт.дисс. – Тошкент, 1991; Сотимов У. Из истории переводов

миллий адабиётимизнинг бошқа халқлар адабиёти билан ўзаро алоқалари, хусусан, ўзбек ва немис адабиёти алоқалари ўрганилган.

Ўзбек драматургияси ва жаҳид драмаси бўйича Ш.Ризаев, Ҳ.Абдусаматов, Г.Қаршиева, Б.Имомов, Т.Собиров, А.Солиев, И.Рустамова, А.Солиев, Б.Якубов, Н.Турсунова<sup>4</sup> ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган бўлсалар-да, драмаларнинг жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий таҳлили амалга оширилмаган. Шунингдек, ўзбек адабиётшунослигида ўзбек драматургияси ва XVIII аср немис маърифатчилик драматургияси ўртасидаги ўхшашликлар, драмада замон ва қаҳрамон характери, нутқ ва услуб муаммолари қиёсий жиҳатдан тўла тадқиқ этилмаган.

Ўзбек адабиётшунослигида А.Маҳмудов немис маърифатпарвари Г.Э.Лессинг ижоди бўйича илмий тадқиқот ишини олиб борган.<sup>5</sup>

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши

---

произведений немецкой литературы на узбекский язык (в сопоставительном аспекте): Дисс... канд. фил. наук. – Тошкент: ИЯРУз, 1978. Нурматов У. Трагедия Шиллера на узбекском языке: автореф. дисс... кандидата фил. наук. – Тошкент, 1985. Абдуллаева Р. Шиллер и узбекская литература (к проблемы литературных взаимосвязи перевода и влияний): автореф. дисс. на соискание ученой степени кандидата филологических наук. – Тошкент, 1986.; Содиқов З. Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг олмонча илмий-адабий талқинлари. Фил.ф.н. номзоди. диссер. автореф. – Тошкент, 1994. – Б. 29; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999; Қосимов А. Адабиётда болалик маънавий-ахлоқий категория сифатида: Фил. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1999; Мели С. Данте ва Навоий: юксак фазоларда учрашув // Жаҳон адабиёти, 1998; Абдуллаева Р. Шиллер ва ўзбек адабиёти (адабий алоқа, таржима ва адабий таъсир масалаларига доир): Фил. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 1986; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили: Фил. фан. номз. дисс. – Тошкент, 1998; Жўраева Ф. Типологик образларнинг қиёсий таҳлили: Фил. фан. номз.... дисс. – Тошкент, 2000; Умарова М.Ю. Тарихий драмада бадиий вақт концепцияси (Шекспир ва Фитрат драмалари мисолида). Фил. ф. н. дисс. – Тошкент, 2011; Джалилова Х. Саёхатнома жанрининг маънавий-маърифий хусусиятлари (XVIII аср Ғарбий Ғарбий Европа маърифатчилик адабиёти ва миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Ташкент, 2008;

<sup>4</sup> Ризаев Ш. Ўзбек Жаҳид драматургиясининг шаклланиш манбалари. Фил. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1995; Ризаев Ш. Жаҳид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 110; Ҳ. Абдусаматов. Драма назарияси. – Тошкент, 2000. – Б. 6; Г. Қаршиева. Жаҳид драматургиясига хос хусусиятлар. // Жаҳон адаб. – Тошкент. 2007. 10-сон; Б. Имомов. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент, 1991. – Б. 139; Имомов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. – Тошкент: Фан, 1968; Имомов Б. Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари (характер ва конфликт). Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 1968; Имомов Б. Ҳаёт ва ижод. – Тошкент. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971; Имомов Б. Драматургик лавҳалар. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974; Имомов Б. Трагедия ва характер. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Имомов Б. Ёиллар нафаси. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983; Собиров Т. Ўзбек совет драматургияси. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти: Солиев А. Ҳаёт, драматургия, қаҳрамон. – Самарқанд: Адабиёт ва санъат нашриёти. – Самарқанд бўлими, 1990; Солиев А. Фитратнинг ҳаёти ва ижоди. – Самарқанд: СамДУ, 1995; Солиев А. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий талқин. – Самарқанд: СамДУ, 2002; Солиев А. Драматургияда инсон талқини. – Тошкент: Халқ мероси, 2004; Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини. – Тошкент: Зар қалам, 2006; И. Балдауф XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент, 2001; Солиев А. Ижод сабоқлари (Комил Яшин маҳорати). – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Солиев А. Ҳамза биз билан. – Самарқанд: Китобсеварлар жамияти, 1987; Султонов Ю. Ҳамза ҳаёти ва ижоди ҳақида очерк. – Тошкент: Фан, 1973; Қаюмов Л. Инкилобий драма. Ҳамзанинг драматик мероси. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1970; Рустамова И. Ўзбек драматургиясида қаҳрамон муаммоси. Филол. фан. номзоди... дисс. – Тошкент, 1999.; Солиев А. Ўзбек драматургияда инсон талқини. Филол. фан. докт... дисс. – Тошкент, 2012.; Якубов. Б. Замонавий ўзбек драматургияси ва унинг саҳнавий талқини (1991-2016 йй.) Санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автор. – Тошкент, 2019; Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор сивилизацияси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автор. – Тошкент, 2020.

<sup>5</sup> Маҳмудов А. Г.Э.Лессинг ижодида Шарқ ва Ғарб воқелигининг тавсифи (қиёс ва таржима). ф.ф. бўйича фалсафа доктори (Phd) дисс... автореф. – Бухоро. 2020

Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Поэтика муаммолари” йўналиши доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўзбек ва немис маърифатчилик драматургиясида замон ва бадиий талқин, қахрамонлар характери, нутқ ва услуб муаммоларини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўзбек ва немис маърифатчилик адабиётининг ижтимоий-фалсафий асосларини белгилаш;

ўзбек ва немис маърифатчилик драматургиясининг миллий ўзига хослик нуқтаи назаридан муштарак ва фарқли жиҳатларини очиб бериш;

Ҳамза ҳамда Лессинг драмалари тасвиридаги бадиий маҳорат қирраларини қиёсий планда таҳлил қилиш;

Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”, “Паранжи сирлари”, Лессингнинг “Донишманд Натан”, “Эмилия Галотти” драмаларида бадиий тасвир воситаларининг ўрни ҳамда ролини аниқлаш;

драматургларнинг қахрамонлар руҳий оламини очиб беришда нутқ ва услуб имкониятларидан фойдаланиш маҳоратини илмий асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ҳамзанинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари”, “Паранжи сирлари”, Лессингнинг “Донишманд Натан”, “Эмилия Галотти” драмалари танланган. Шунингдек, зарур ўринларда Бехбудийнинг “Падаркуш”, Ҳамзанинг “Бой ила ҳизматчи”, Лессингнинг “Мисс Сара Сампсон” ва “Минна фон Барнхелм” драматик асарларига муурожаат этилган.

**Тадқиқот предмети**ни ўзбек ва немис маърифатпарварлари ижодидан танлаб олинган драмалардаги давр муаммоларининг бадиий талқини, замон ва қахрамон алоқалари, бадиий нутқ ва услубнинг қиёсий таҳлили ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таҳлил ва талқиннинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, контекстуал ва компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ўзбек жадид драмасида халқни билим олиш ва маърифатга даъват этиш асносида миллий тил, диний қадриятлар ва урф-одатларни асраб қолиш истаги устувор масала саналганлиги, немис маърифатчилик драмасида эса ақл-идрок ва билимга таяниш ғоялари етакчилик қилгани асосланган;

ўзбек ва немис маърифатчилик драмасининг шаклланишига таъсир ўтказган ижтимоий-тарихий шароитда муайян фарқлар бўлишига қарамай, уларда илгари сурилган ватанпарварлик, шахс эрки, озодлик маърифатчилик ва инсон ҳуқуқларининг тенглиги ғояларида муштараклик мавжудлиги очиб берилган;

Лессингнинг драматик асарларида жамиятдаги тубанлик, маиший бузуқлик ва динлараро келишмовчилик кўринишлари ўз ифодасини топган бўлса, Ҳамза асарларида ижтимоий тенгсизлик, ноҳақлик, илмсизликнинг оқибатлари кўрсатилганлиги далилланган;



Лессинг драмалари қаҳрамонларининг характери, асосан, сахна ҳаракатлари орқали очиб берилган бўлса, Ҳамза драмаларидаги персонажлар руҳияти нутқ (монолог, диалог) ҳамда ҳаракатлар уйғунлигида намоён бўлиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ўзбек жаҳид ва немис маърифатчилик драматургиясининг ижтимоий-фалсафий асослари, улар ўртасидаги умумий ва ўзига хосликларни бадиий-эстетик ва тарихий аспектда тадқиқ этиш орқали жаҳон адабиётининг дурдона асарларини чуқурроқ идрок этиш имконини берган;

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” ҳамда “Паранжи сирлари”, Лессингнинг “Донишманд Натан”, “Эмилия Галотти” драмаларининг таҳлили натижасида чиқарилган хулосалар асосида таклиф ва тавсиялар ҳар икки халқ маънавий-маданий меросини бойитишга ҳисса қўшади;

Ўзбек ва немис маърифатчилик адабиёти даврий жиҳатдан бир-биридан фарқланса-да, ўзбек ва немис драматургиясида қаҳрамонлар характери орқали давр муаммоларининг моҳиятан муштараклиги исботланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мувофиқлиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асосланганлиги, танланган бадиий манбаларнинг тадқиқот предметиға мослиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётға татбиқ этилганлиги, адабиётшунослик методологияси ёрдамида таҳлил ва талқин қилинганлиги, натижаларнинг ваколатли тизимлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, диссертация натижалари, хусусан, ўзбек ва немис маърифатчилик даври драмалари қиёсий таҳлили бўйича чиқарилган хулосалардан драма тарихи Ҳ.Ҳ.Ниёзий, Г.Э.Лессинг драмалари поэтикаси масалаларини қиёсий-типологик аспектда тадқиқ қилинганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти диссертацияда баён қилинган замоннинг драмадаги бадиий талқини, бадиий маҳорат ва услуб муаммолари ҳақидаги назарий хулосалардан олий ўқув юртларининг филология йўналиши талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этишда, маъруза машғулотларида, махсус курс, семинар машғулотлари ташкил этишда, битирув малакавий ва магистрлик ишларини бажаришда ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбек ва немис драмаларида замоннинг бадиий талқини тасвирини Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва Г.Э.Лессинг драматик асарлари мисолида ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Ўзбек жаҳид драмаларида халқни билим олишга даъват этиш асносида ўз тили, дини ва урф-одатларини асраб қолиш асосий масала саналган бўлса, немис маърифатчилик драмасида ақл-идрок ва билимға таяниш ғоялари

устуворлик қилганига оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканали ДМ “Маданий маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳарририяти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Саҳна ва экран” номли эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2022 йил 30 январь, 17 февраль 02/-01-10-22 сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотга тортилган мавзу юзасидан суҳбат ва эшиттиришлар савиясининг оширилишига хизмат қилган;

Ўзбек жадид ва немис маърифатчилиқ драмасининг шаклланишига таъсир ўтказган ижтимоий-тарихий шароитда муайян фарқлар бўлишига қарамай, улар томонидан илгари сурилган ватанпарварлик, миллат озодлиги, маърифатчилиқ ва инсон ҳуқуқларининг тенглиги ғояларида муштараклик мавжудлиги борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган 2017-2020 йилларда бажарилган FA-FI-005 “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги фундаментал ва амалий-илмий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2022 йил 18 февралдаги 17.01/45-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ драмаларининг ўзига хос томонлари назарий жиҳатдан бойитилишига хизмат қилган;

Ўзбек ва немис маърифатчилиқ драматургиясида замон ва бадиий талқин, қаҳрамонлар характери, нутқ ва услуб муаммоларини илмий тадқиқ қилиш юзасидан берилган таклифлар таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими Танқид ва адабиётшунослиқ кенгаши фаолиятида қўлланилган. (Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими 2022 йил 2 августдаги 45-сон маълумотномаси). Натижада XVIII аср немис ва XX аср ўзбек маърифатчилиқ драматургиясида замон ва қаҳрамон муносабати концептуал манзарасини ишлаб чиқиш жараёнларига хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та илмий-назарий ҳамда илмий-амалий конференцияда, шу жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий илмий журналда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 142 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Немис маърифатчилик ва ўзбек жаҳид драмасининг ижтимоий-фалсафий асослари”** деб номланган биринчи бобида маърифатчилик адабиётининг XVII аср охири ва XVIII аср бошларида Германияда, ўзбек адабиётида эса XX аср бошларида жаҳидчилик ҳаракатлари кўринишида вужудга келишининг ижтимоий-фалсафий асослари, шунингдек, мазкур давр драматургиясида давр ва бадиий талқин масаласи таҳлил этилган.

Биринчи бобнинг **“Маърифатчилик даври немис драматургиясининг назарий-поэтик асослари”** номли биринчи фаслида Ғарбий Европа мамлакатлари ижтимоий ҳаётидаги катта бурилишлар даври – дин ва феодализм томонидан қурилган эски ҳокимиятга қарши кураш жараёнлари немис драматургиясининг назарий-поэтик асосларини шаклланишига ўз таъсирини ўтказганлиги очиб берилган.

Ғарбий Европа маърифатчиларининг илмий, фалсафий, эстетик ва адабий соҳадаги кузатишларида асосий масала инсон шахси омили бўлган. Ўз манфаатини кўзловчи, худбин киши билан умумманфаатини ҳимоя қилувчи чинакам инсон ўртасидаги тўқнашув XVIII аср Ғарбий Европа адабиётининг бош мавзусига айланди. Франциядан кейин Германияда шаклланган Ғарбий Европа маърифатчилигига хос хусусиятлар XIX аср охири – XX аср бошида қатор Шарқ халқлари адабиётида, жумладан, ўзбек жаҳид адабиётида ҳам кузатилдики, бу, бир томондан, адабий алоқа ва таъсир, иккинчи томондан, уларни юзага келтирган шарт-шароитлардаги типологик умумийлик билан изоҳланади.

Немис маърифатпарварлиги икки фалсафий оқим – эмпиризм ва рационализм таъсирида шаклланган. Эмпиризм ғояси ҳиссий идрок ҳақидаги билимга асосланган бўлиб, табиатни билишнинг манбаи тажриба эксперимент кузатишлар орқали ифодалади. Немис файласуфлари, жумладан, Лессинг мамлакатда нотўғри эътиқод ва аристократик бошқарувга қарши курашишда ақлнинг ўрни муҳим эканлигини таъкидлаб, диний қоидалар инсоният учун хизмат қилиши керак, деб ҳисоблайди. Агар у фақатгина дин пешволари учун фойдали бўлса, у ҳолда бундай диний қонунлар жамият учун зарарли эканлигини таъкидлайди.

XVIII аср Германия зиёлилари олдидаги асосий вазифа мамлакатни миллий жиҳатдан бирлаштириш эди. Фақат адабиётгина барча ғояларнинг ташувчиси ролини бажарди. Ижтимоий-сиёсий тазйиқдан норозилик кайфиятлари адабиётда ҳам ўз ифодасини топди. Немис

маърифатпарварларининг янги қаҳрамони “дунёвий фуқаро” бўлиб, мулоҳазалилик, тўғрисиқлик, меҳнатсеварлик, оқкўнгиллилик, халқпарварлилик каби хусусиятлар асосан немис драмалари пенсонажларига хос эди. Немис маърифатчилигининг дастлабки вакилларида бири бўлган Кристиан Томасиус (Christian Tomasius, 1655-1728) ҳақиқатни нотўғри эътиқод билан эмас, балки онг, фикр орқали излаш кераклигини таъкидлайди. Бу даврда инсон ақли барча ҳаракатлар ўлчови деб эълон қилинди ва ўз-ўзини англаш ғояси илгари сурилди.

Жумладан, файласуф Ҳегел “ақл билан иш тутадиган одам жамият учун қанчалик муҳим эканлигини айтади.”<sup>6</sup> Германияда драматургия маърифатчилик даври билан боғлиқ бўлиб, дастлаб бу атама фалсафий, кейинчалик реал сиёсий маънога эга бўлди, “Файласуф Александр Готлиб Баумгартен (Alexander Gottlieb Baumgarten, 1714-1762) биринчи марта драматургия атамасидан фойдаланган. У драматургияни эстетиканинг фалсафий тартиб-интизомига боғлади.”<sup>7</sup>

XVIII асрда немис театри эришган улкан муваффақиятлар Готхольд Эфраим Лессинг (Gotthold Ephraim Lessing, 1729-1781) ижоди билан бевосита боғлиқ бўлиб, унинг ижоди маърифатпарварлик даврида Германия адабиёти, драматургияси ва театр санъати ҳамда назариясининг маърифатпарварлик реализми ва танқидий реализмга ўтиш йўллари белгилаб берди. “Ҳамбург драматургияси” (“Hamburgische Dramaturgie”, 1767-1768) рисоласида Лессинг театрга “фақат кўнгилочар, дам олиш маскани” деган қарашларга қарши туриб, унинг юксак ижтимоий функциясини ҳимоя қилади. У классицизмга хос тантанаворликни рад этиб, театрнинг эркинлашуви, сахнада ҳаёт ҳақиқати тантанаси учун курашган.

Адиб қаҳрамонларни кундалик ҳаётдан олади ва уларни жонли тилда гапиришга ундайди. Драматургнинг “Минна фон Барнхелм” (Minna von Barnhelm, 1767) комедияси замонавий мавзу – Саксония ва Пруссия ўртасидаги етти йиллик уруш фонида тасвирланади.

Лессинг ўз фаолияти тўғрисида сўз юритар экан, шундай дейди: “Мен на шоирман, на актёр. Баъзан мени шарафлашади, баъзида айблашади.”<sup>8</sup> Ёзувчи бутун фаолияти давомида шараф ва таҳдид остида яшаб ижод қилди. Лессинг драматургия таъсирининг энг муҳим шарты - унда доимий образларнинг мавжудлиги, деб ҳисоблайди. Классицизм драмасида кўпинча драматик характеристиканинг асосий воситаси қаҳрамон нутқи бўлган бўлса, Лессинг драматург учун характеристиканинг асосий воситаси ҳаракат бўлиши керак, деган ғояни олға суради. Умуман олганда, немис файласуфи Кантнинг санъат ҳақидаги қарашлари ҳамда Лессингнинг театр хусусидаги

<sup>6</sup> Ҳақиқат манзаралари. 100 мумтоз файласуф. (Тўпловчи С.Жўраева) – Тошкент: Янги аср авлоди. 2013. – Б. 373.

<sup>7</sup> Evelyn Deutsch-Schreiner. Theaterdramaturgien von der Aufklärung bis zur Gegenwart. Böhlau Verlag Köln, Weimar, Wien, 2016. – S. 10.

<sup>8</sup> Bérénice Hebenstreit. „Dramaturgie als Denkfigur. Die Analyse des deutschsprachigen Berufsbildes Dramaturg in“. Wien, 2014. – S. 44.

мулоҳазалари маърифатчилик драмаси шаклланишида асос вазифасини бажарди.

Биринчи бобнинг “Ўзбек жаид драмаси ва ижтимоий-тарихий вазият” деб аталган иккинчи фаслида Туркистон ўлкасидаги ижтимоий-тарихий вазият ушбу даврда яратилган драмалар орқали очиб берилган. Маърифатпарварлик ғоялари XX аср бошларида миллий адабиётимизда драматургияга асос солиниши ва шаклланиши ҳамда янги илмий ўзанда тараққий этишида муҳим роль ўйнади. Махмудхўжа Бехбудий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Абдурауф Фитрат, Хожи Муин каби ижодкорларнинг драмаларида маърифатчилик ғоялари акс эттирилиши, ўзбек драматургиясида ҳақиқий бурилиш ясаб берди.

Тадқиқотчи А.Алиев таъкидлаганидек, “бундай мураккаб тарихий вазиятларда иймон-этиқоди бутун ватанпарвар шахслар бепарво туrolмасди. Мазкур ижтимоий-тарихий вазият миллатнинг онгли зиёлиларининг қалбини ўртади.”<sup>9</sup> Ўлканинг илғор зиёлилари чоризм истибдодидан қутулиш, миллатни уйғотиш, нафақат иқтисодий, балки маънавий-маърифий тараққиёт сари йўл очиш, халққа зиё тарқатиш мақсадида маърифатпарварлик ҳаракатига асос солдилар. Маърифатпарварлик ҳаракатида, айниқса, жаид драмалари асосий планга чиқди. Давр муаммоларини мужассам этган драмалар сифатида Бехбудийнинг “Падаркуш”, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Бой ила хизматчи” пьесалари майдонга келди.

XX асргача ўзбек халқ драматургияси оғзаки пьесалар шаклида намоён бўлди. Илгари драматургия элементлари мавжуд бўлиб, улар драматик лавҳалар, халқ театрлари, кўғирчоқ ўйинлари, турли диалоглар кўринишида бўлган эди. Адабиётшунос Ҳ.Абдусаматов драматик турнинг кеч пайдо бўлиши сабабларини унинг энг қийин бадиий тур эканлиги, дунёга келиши учун ижтимоий-маънавий шароитнинг етилмаганлиги ҳамда жамиятнинг маълум даражада тараққий етилмаганлиги билан изоҳлайди.<sup>10</sup> Ўзбек драмасининг тақдири ижтимоий-тарихий ривожланиш ва адабий жараён билан боғлиқ бўлиб, XX аср бошларига келиб, сахна санъати қонуниятларини юзага келтириш, драманинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш имкониятлари туғилди.

Жаид драмаси француз маърифатпарварлик адабиёти, инглиз драматургияси, немис эстетик қарашларини ўзида сингдирган адабий ҳодиса деб қаралишга лойиқдир. Чунки жаид драмаси адабий тур ва жанрлар поэтикаси нуқтаи назаридан ўзининг энг яхши намуналари билан жаҳон драматургиясининг тамал тошини қўйган юнон антик театри ҳамда Ғарб маърифатчилик драматургиясининг барча жиҳатларини ўзида мужассам қилган немис драматургияси билан боғлангандир. Бунга бир қанча сабабларни келтириш мумкин, Ғарбий Европа маърифатчилик драмаси ва

<sup>9</sup> Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 184.

<sup>10</sup> Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. – Б. 6.

жадид драмаси вақт жиҳатдан ўзаро муштарак бўлмаса-да, уларнинг қарашларида бир қанча ўхшашлик томонларини кўриш мумкин.

Жадид драматургияси шаклланиш давридан то ривожланиш босқичига қадар ижтимоий воқелик акс-садоси бўлиб келди. Ш.Ризаев таъкидлаганидек, “Ўзма драматургиямизнинг илк намунаси яратилган 1911 йилдан 1929 йилгача бўлган давр ўзбек жадид драматургиясининг шаклланиш ва тараққиёти даври деб аташ ҳам тарихий, ҳам адабий реаликка мувофиқ келади.”<sup>11</sup> Ўзбек драматургиясининг илк босқичида ўша давр шарт-шароитини ҳисобга олиб, фожиавий мавзусидаги асарлар кўп ёзилганига гувоҳ бўламиз.

Илк ўзбек жадид драмаси сифатида эътироф этилган “Падаркуш”да илм тарғиби айнан ижтимоий вазият тақазоси билан юзага келди. Драма XX аср бошларида Туркистон халқлари ҳаётининг энг долзарб муаммолари мавзусида ёзилган бўлиб, у жадидчилик мафкурасининг дастури сифатида маърифатпарварликнинг туб сиёсий ва ижтимоий мақсадини ифодалаган. Бехбудий бу пьесада илмсизлик ва жохиллик туфайли келиб чиқадиган фожиаларни бир оила мисолида кўрсатиб беради. Муаллиф Зиёли образи орқали ўша даврдаги ижтимоий-тарихий вазият юзасидан ўз фикрларини баён этади. Жамиятда зиёли, илмли кишиларни ўрни тобора йўқолиб, уларни ўрнига илмсиз бойларнинг роли ошиб борарди. Зиёли ёрқин келажакни илмсиз кўролмаслигини бойга бот-бот таъкидлайди. “Падаркуш” драмасида Зиёли образи-жадидларнинг идеали даражасига кўтарилдики, Зиёли сиймоси билан келажакни тасаввур этишлари тахмин қилинди. Зиёли давр аҳамияти ўлароқ жамиятнинг муҳим негизи сифатида эътироф этилди. Демак, илк жадид драмаларида Зиёли образи давр ижтимоий-тарихий вазиятини кўрсатиб берди. Миллат дардига даво изловчи бундай кишиларнинг типик образи жамиятни ислоҳ қилишга қодир кучга айланди. Негаки, миллат зиёлилари фақат катта фидойилик эвазигагина кўзланган мақсадга эришиш мумкинлигини англаб етган эдилар.

Жадид драмасида ижтимоий-тарихий шароит нуктаи назаридан яратилган яна бир асар Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмаси ҳисобланади. Ўзбек драматургиясида илк классик драма сифатида эътироф этилган ушбу асарда халқни зулматдан олиб чиқишни, аввало, оиладан бошлаш керак эканлигига эътибор қаратилган. “Бой ила хизматчи” асарида айнан жамиятдаги жирканч, нопок ишлар ва оиладаги шарм-ҳаё тўғрисида фикр юритилади.”<sup>12</sup>

Асардаги Ғофир образи орқали инсон меҳнати, кадр-қиммати сарик чақадан арзон, роҳат-фароғатга оддий халқ эриша олмаслиги ёритиб берилган. Драмада жамиятдаги илмсизлик, фуқаролар устидан зулм оддий халқни доимий равишда қийнаб келганлиги, бой тимсолида эса нафақат

<sup>11</sup> Ризаев Ш. Жадид драмаси. – Тошкент: Шарқ, 1997. – Б. 110.

<sup>12</sup> Дадажонов О. Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини. //ФарДУ илмий хабарлари. 2020. 2-сон, – Б. 111.

очкўзлик, балки бузуклик, аёлларга нисбатан тазйиқ, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари поймол бўлганлиги кўрсатиб берилади.

Беҳбудий ва Ҳамза асарлари асосида жаҳид драматургиясининг муҳим хусусияти – давр ижтимоий-тарихий ҳолати ва оила ҳаётини тасвирлаш билан инсон қалбига кириб бориш, шу орқали жамият ҳаётида авж олиб бораётган миллий уйғониш ғояларини акс эттириш эканлиги аниқланган. Жаҳид драмасида ўтган аср бошларидаги ўзбек халқининг ҳаёт тарзи, ўлка турмушида юзага келган ижтимоий-тарихий ҳодисалар, истибдод чанғалида ўртанишларга олиб келган маърифатсизлик ва илмсизлик очиб берилди. Шу каби фожиаларни юзага келтирган ижтимоий-тарихий омиллар XX аср бошларидаги ўзбек драмаларининг бош мавзуси айланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Драматургияда замон ва қаҳрамон характери инъикоси”** деб номланган. Бобнинг биринчи фаслида жаҳид драмасида ҳаёт ва қаҳрамон муаммоси тадқиқ этилган. Драматик асарларда бадиий-эстетик ғоя ва мақсадлар, ижодкор маҳорати бевосита қаҳрамонлар ҳатти-ҳаракати, ўзаро муносабати орқали очиб берилди. Жаҳид адабиёти вакиллари буни чуқур англаган ҳолда қатор драматик асарлар яратдилар. Ўша даврда намойиш этилган драматик асарлар бутун халқ учун янгилик эди.

Қаҳрамон тасвири асар негизини ташкил этар экан, муаллиф унинг характеридан тортиб, ташқи кўринишигача давр муҳити билан ҳамоҳанг тарзда танлайди. Қаҳрамоннинг асарга қанчалик мос келиши, унинг асардаги роли ёки бошқа хусусиятлари ижодкорнинг танлови орқали ривожланиб боради. Қаҳрамоннинг фаоллиги, курашувчанлиги, ўзида даврнинг етакчи тенденцияларини мужассам этган ижтимоий-ахлоқий қиёфаси орқали юзага чиқарилади.

Шу боис адабиётимизнинг ҳамма даврларида, хусусан, жаҳид драмаларида “ижобий қаҳрамон образини уни ҳаракатга ундаган типик шароит билан диалектик алоқада ёрқин гавдалантириш биринчи даражали вазифа бўлиб келди.”<sup>13</sup> Давр муаммоларини мужассам этган драмалар сифатида Беҳбудийнинг “Падаркуш” (1911), Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллагилар иши” (1927) пьесалари характерлидир.

“Падаркуш”даги бош қаҳрамон Бой образи ҳаётни фақат бойлик билан ўлчовчи, бойлик туфайли фарзанд тарбиясига ҳам лоқайд бир инсон қиёфасида гавдаланадики, бундай инсонлар, XX аср бошлари халқимиз орасидаги кўпгина лоқайд характерларнинг типик вакилидир.”<sup>14</sup> Асарнинг фожиавий характер касб этишида ҳам ана шу лоқайд характернинг ҳатти-ҳаракати муҳим қимматга эга бўлган. Айни шу жиҳатдан Бойнинг фарзанд тарбиясига бепарволиги Тошмураднинг кўча болаларига қўшилишига сабаб бўлади.

<sup>13</sup> Имомов Б. Драматургик маҳорат сирлари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. – Б. 137.

<sup>14</sup> Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини ф.ф.н дисс. автореф. – Тошкент, 2012. – Б.11.

Натижада тарбиясиз фарзанд ўз отасининг қотилига айланади. Драмада Бойни тўлақонли лоқайд инсон сифатида айблаш қийин. Масалан, биринчидан, Домла кириб келганда, уни иззат-хурмат билан кутиб олишида кузатилса, иккинчидан, Тошмурод томошага бораман, деб пул сўраганда “ўғлим ким билан борасан?”, “албатта, вақтли келинлар ва ёмон ерларга борманлар,”<sup>15</sup> деб уқтиришида кўзга ташланади. Шу сабабдан уни ижобий ҳислатлардан бутунлай маҳрум деб бўлмайди. Бу ерда отанинг болага меҳри, унинг саёқ юришидан хавфсираши англашилиб туради. Лекин болага меҳрибон ота фарзандининг ўқимишли бўлиши ҳақида қайғурмайди.

Драма орқали давр муаммоларини акс эттириш, жиддий, томошабинни ўйлантишга ундайдиган асар яратишга бўлган иштиёқни Ҳамза ижодида ҳам кузатиш мумкин. Унинг “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши” драмаси қаҳрамони Тўлахон нафақат ўзбек аёли, балки Шарқ аёли тимсолида гавдаланади. Ижодкор ушбу қаҳрамони билан миллий характери ҳам кўрсатиб беради. Миллий характер эса давр, миллат, маконни эътиборга олган ҳолда очиб берилади. Асарда қаҳрамон тимсолида замон, макон, халқ хусусиятлари зухур бўлиши лозимлигига алоҳида урғу берилади.

Мазкур трагедияда хотин-қизларнинг оғир турмуши, эски, чиркин урф-одатларнинг зарари ўша ҳаётдан олинган фожиали воқеалар ва аччиқ қисматлар тасвири асосида очиб берилган. Ҳамза “Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши” асари билан “бугунги тараққий топган театр санъатимиз тарихининг илк саҳифаларини битиб берди. У маданиятимиз тарихида биринчи бўлиб драматик трилогия ва тетралогиянинг намунасини яратди.”<sup>16</sup>

Пьесада асосий қаҳрамон сифатида Тўлахон образи гавдаланади. Унда тасвирланишича, бадавлат хонадоннинг қизи Тўлахон ўз севгилиси камбағал оила фарзанди Рустамга етишишга ҳаракат қилади. Бироқ у Мастура яллачи, Гулжон қўшмачи ва Мирзакарим қораларнинг ҳийласига учиб, уйдан чиқиб кетади. Кунлардан бир куни Гулжон қўшмачи Тўлахоннинг олдига келиб, ўзини Рустам томонидан юборилган элчи сифатида танитади. Қизни: “Сени Рустамхоннинг олдига олиб бораман”, – деб алдаб, ота-онасига билдирмай уйдан олиб чиқиб кетади. Шундан сўнг Тўлахон Мастура яллачилар қўлида турли балоларга гирифтор бўлади, охир-оқибатда фоҳишахонада тутқун сифатида қолиб кетади.

Қуйидаги Тўлахоннинг иқрорномасида унинг билан яқинлари ва муҳит билан конфликти тасвирланган: “(хўрсинишлик, оҳ билан). -Оҳ бувижон, сизлар билан ўйнаб-кулиб ўтирган чоғларимни шундай соғиндимки, ўйлайманки, куя-куя жигарларим куюнди бўлгандир. (Йиғлаб). Кошки, гуноҳларимни кечиришларингизни ишонган бир кишим айтса эди (Йиғлаб). Бу ифлос ғурбатхонага рози бўлмай, нима қилайки, худойимнинг раҳмати ота, она, қавми қариндош, элу юрт, севгим тушган, бўйим тушмаган Рустамбегимдан, ҳамманинг даргоҳидан ранда бўлдим. Балки ўла-

<sup>15</sup> Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999, иккинчи нашр. – Б. 40.

<sup>16</sup> Қаюмов Л. Замондошлар. – Тошкент: Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. – Б. 4.



ўлгунчаликка ҳам, сизлар тугул, юртимнинг қора бир қисм тупроғини ҳам насиб қилмас. Қилдим, қилдим, ҳаммасини нодонликдан ўзим қилдим. Лекин сизлар ҳам сабаб бўлмай қолмадинглар... (Йиғлар)”<sup>17</sup>

“Паранжи сирларидан бир лавҳа ёки яллачилар иши” театр сахналарида кўйилар экан, бош қаҳрамон Тўлахон характери ва иродаси нақадар кучли эканлиги томошабинларда чуқур таассурот уйғотади. Ҳамза метин ирода билан биргаликда кучли характери қаҳрамон онгига сингдиришга эришади. Натижада халқ мамлакатда бўлаётган ижтимоий-сиёсий вазиятдан бохабар бўлибгина қолмай, у ердаги тубанликларни тушуна бошлади.

Беҳбудий ва Ҳамза драмаларида ғоя, эрк масаласи жиҳатдан ўхшашлик кузатилса ҳам қаҳрамонлар бир-бирини такрорламайди. Жумладан, “Падаркуш”да маърифат орқали истиқлолга эришиш ғояси ўзида илгари сурилган, оила ва мактабнинг бола тарбиясига таъсири тўғрисида сўз юритилади. Беҳбудийнинг қаҳрамони маърифатсизлиги боис отаси қотилига айланган бўлса, Ҳамза асарлари қаҳрамонлари ўзи яшаётган ахлоқсиз муҳитнинг, бузилган жамиятнинг қурбонига айланади. Беҳбудий қаҳрамонлари талқинида халқни маърифатли қилиш ғояси етакчи ўринни эгаллайди. Ҳамза қаҳрамонлари талқинида эса, садоқатли ва курашчан аёл тимсолида миллий қиёфа кўринади. Икки драматург асарларидаги муштарак жиҳат – маънавият ва маърифатнинг жаҳолат ва ахлоқсизлик устидан узил-кесил ғалабасини улуғлашда намоён бўлади.

Иккинчи Бобнинг иккинчи фасли **“Немис маърифатпарварлик драматургиясида ҳаёт ва қаҳрамон характерининг талқини”** муаммосига бағишланган. Ушбу фаслда қаҳрамонлар характериға хос хусусийлик, алоҳидалик тадқиқ этилган.

XVIII аср Фарбий Европа мамлакатларида мутлақ ҳокимият вужудга келган бўлса, Германияда миллий сиёсий бирликка эга бўлмаган, бир-бири билан яхши муносабатда боғланмаган феодал давлатлар кўпайиб борар эди. Адабиётшунос Р.Абдуллаева Германия тарихининг ана шу даври ҳақида фикр билдириб, шундай дейди: Мамлакат бир қаро тун кўйнига чўмган эдики, “ҳатто немис халқининг энг яхши ва энг кучли донишмандлари ҳам ўз мамлакатларининг келажагига мутлақ ишончини йўқотиб кўйган эдилар”.<sup>18</sup>

Вазиятдан чиқиш учун энг тўғри йўл сифатида фуқароларнинг маънавий савиясини ошириш олий мақсад қилиб олинди. Мақсад сари одимлашда немис маърифатпарвари Лессинг ғояларининг ўрни бекиёс бўлиб, маърифатчилик адабиёти тарихида жанговар, инқилобий ижоди билан муҳим роль ўйнайди. Томас Манн у ҳақда шундай ёзади: “У ҳаётини нур билан яшаб ўтди. Аҳмоқлик, ёлғончилик, дангасалик ва қулликка қарши курашди ва инсоннинг руҳий эркинлигини жиддий ҳимоя қилди. Ҳақли равишда уни маърифатпарвар деб аташ мумкин.”<sup>19</sup> Дарҳақиқат, Лессинг буржуа

<sup>17</sup> Ниёзий Ҳамза Ҳакимзода. Тўла асарлар тўплами. Беш томлик. – Тошкент: Фан. 1989. – Б. 148.

<sup>18</sup> Абдуллаева Р. Мени алқаманган киши қолмади. //Жаҳон адабиёти. 2018.1-сон. – Б. 165.

<sup>19</sup> Peter Faulstich. Aufklärung, Wissenschaft und lebensentfaltende Bildung. – Hamburg: Verlag, Bielefeld, 2011. – S. 97.

маърифати учун, рухонийлар ва зодагонларнинг такаббурлигига қарши ақл нури билан кураш олиб борди ва бутун ижодий фаолиятини соғлом фикрли, инсонпарвар ва сабр-тоқатли шахсни тарбиялашга бағишлади. Лессинг драматургияда ҳам салмоқли меҳнат қилди. “Эмилия Галотти” драмаси ёзувчи ижодида муҳим воқеа бўлиши билан бирга, Шиллер драматургиясининг юзага келишига ҳам замин ҳозирлади. Й.Гёте ўз даврида “Эмилия Галотти” драмасига баҳо бераркан, “у разолатга қарши қўйилган илк дадил қадам бўлганлигини”<sup>20</sup> таъкидлайди.

Лессинг “Эмилия Галотти” драмаси орқали жамиятидаги ҳукмдор ва оддий халқ муносабатларига тўхталиб, мамлакатда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга норозилигини билдириб ўтади. Асардаги қаҳрамонлар характери мураккаб ва зиддиятлидир. Масалан, Эмилия драмада яққол бош қаҳрамон сифатида гавдаланмайди. Бундай таърифни шахзода Гонзага ҳақида ҳам айтиш мумкин. Умуман олганда, драмада бош қаҳрамонлар бир қарашда кўриниш бермаётгандек, бироқ адиб кичик образлар билан буржуа ҳаётининг маънавий-ахлоқий ҳолатларини кўрсатиб берди.

Драмада асосий қаҳрамон иродасиз шахзода Ҳетторе Гонзага сиймоси орқали князларни танқид остига олади. Бошқа томондан қараганда, шахзода халқини ўйлайдиган, унинг манфаати учун курашадиган давлатбоши сифатида кўринади. Ҳукмдор сифатида халқи учун бир нечта масалаларни ижобий ҳал қилади. Бунда у раҳмдил, хиссий одам бўлиб, фуқароларининг эҳтиёжини қондириб келади. Асар авваларида шундай ҳолатни кузатамиз: “Шикоятлар, нуқул шикоятлар! Илтижо-ю илтимослар! Қайғули гаплар, тагин бизларга ҳавас қилишади! Бу табиий. Кошкийди бизлар ҳаммага ёрдам бера олсак, ўшанда ҳавас қилишса, майли.”<sup>21</sup>

Жамиятда авж олган диний ақидаларга қарши курашда Лессинг ўз қаҳрамонларидан умиди катта бўлиб, ижтимоий ўзгаришларни хоҳлади. Сабаби бу даврда жамият диний ақидалар билан қуршаб олинган, мамлакатда дунёвий билимлардан кўра, диний билимлар асосий ўринга ўтди ва дунёвий билимлар эътибордан четда қолди. Ёзувчининг бор ҳис-туйғулари, дард-аламлари қаҳрамонлар тимсолида акс эттирилади. Бундай муносабатнинг чўққиси Одоардо мисолида кўрсатиб ўтилганди. Трагедияда Одоардо Галотти образи асар марказида туради. Лессинг уни мағрур шахзода ва саройдан хазар қиладиган мустақил фикрли киши сифатида тасвирлайди. Одоардо Галотти Эмилия ўлиmidан сўнг шахзодага қараб шундай дейди:

Odoardo: Ich gehe und liefere mich selbst in das Gefängnis. Ich gehe und erwarte Sie als Richter – Und dann dort – erwarte ich Sie vor dem Richter unser aller!<sup>22</sup>

Одоардо: Мен ўзимни қамоқхонага топшираман. Мен одил суд ёнига кетяпман, сизни ҳам ўша ерда кутаман! (Таржима ўзимизники).

<sup>20</sup> Холбеков М. Толерантлик – бағрикенглик дегани. // Жаҳон адабиёти. 2008. 7-сон. – Б. 140.

<sup>21</sup> Лессинг Г.Э. Эмилия Галотти. – Тошкент: Янги нашр, 2011. – Б. 8.

<sup>22</sup> Gotthold Ephraim Lessing Emilia Galotti. Herausgeber: Tobias R. Jung. Ein Trauerspiel in fünf Aufzügen. – Braunschweig, – S. 92.

Лессингнинг “Эмилия Галотти” драмасида одоб-ахлоқ ва ҳиссиётлар қарама-қаршилигини кузатамиз. Бундан ташқари фазилат ва иллат, яхшилик ва ҳаракатлар, буйруқлар, фитна ва итоаткорлик, қурбонлик ва айбсизлик васвасаси, чалкашлик ва қатъиятлилик каби инсон ҳис-туйғулар драманинг асосини ташкил қилади.

Ишнинг учинчи боби “Драматургияда нутқ ва услуб” деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи фаслида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” фожиасида бадиий нутқ ва услуб масаласи тадқиқ этилган. Асар қаҳрамонлар нутқида миллий характерни очиб беришга хизмат қилган унсурлар таҳлил этилди.

Давр муҳитидан келиб чиқадиган бўлсак, Ҳамза драмалари ўзбек адабиётига янгилик бўлиб кирди. “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” фожиаси ўзбек адабиётидаги дастлабки трагедиялардан бири ҳисобланади. “Заҳарли ҳаёт ёхуд ишқ қурбонлари” (1915) фожиасида драматург қолоқ ақидалар, нодонлик туфайли оғир турмуш гирдобига тушиб қолган персонажлар ҳаётини таъсирли акс эттиришга уринди. Драмада жаҳолат, қолоқлик, мутаассиблик илм-маърифат, тараққиёт фидойилари Маҳмудхон ва Марямхонларни фожиага олиб келади.

Адабиётшунос олим Д.Қуронов фикрига кўра, “бадиий нутқ информация етказиш билан биргаликда, китобхонни бадиий воқеликка етаклайди. Ўқувчи бадиий воқелик ҳақида шунчаки маълумотга эга бўлиб қолмайди, унинг ичида яшаб, ҳис қилиб ўтади.”<sup>23</sup>

Дарҳақиқат, асардаги қаҳрамон нутқи орқали китобхон фақатгина маълумот олиш билан чекланиб қолмай, эстетик завқни ҳам ўзида туюш муҳим саналади. Ҳамза қаҳрамонининг нутқи билан томошабинларда эстетик руҳни ошириб, ҳар бир воқеа-ҳодиса учун чуқур хулоса чиқаришга ундади. Адиб пьесада мана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратади. Тадқиқотчи А.Солиев пьеса ҳақида шундай фикрни айтади: “Бу асарда қаҳрамон характерининг аянчли тузумга нисбатан қаҳр-ғазабини, нафратини ифода этувчи нидо, айбнома англашилиб туради.”<sup>24</sup> Ҳақиқатан ҳам, асарда қаҳрамонларнинг аянчли тақдири, орзу-умидлари поймол бўлган, шу билан эрк масаласи ҳам кўндаланг бўлиб ётади. Ҳамза драмаларида мана шундай қаҳрамонларни яратди ва бадиий нутқ билан биргаликда, асар бадииятига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

Асарнинг бош қаҳрамонлари Марямхон ва Маҳмудхонлар – замонасининг илғор зиёлилари ҳисобланади. Улар миллат фарзандларини илм-маърифатли қилишдек улуғ орзулар оғушида, романтик хаёллар билан яшайдилар, уларнинг севгиси ҳам ниҳоятда покиза ва самимий. Драматург асарда, айниқса, Марямхон образига алоҳида эътибор қаратади, унинг бутун қарашлари Маҳмудхон образидан кўра Марямхон қиёфасида намоён бўлади.

Тадқиқотчи А.Шоимов ҳам Ҳамзанинг миллат ва юрт тақдири, унинг истиқболи ҳақидаги эстетик идеали, жорий вазиятни мактаб, маориф, илм-

<sup>23</sup> Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. — Тошкент: Академнашр, 2018. — Б. 241.

